

“Одамлардаги қизиқишни
хоҳишга, орзуни натижага
айлантирдик”

3-с.



4-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№40
(2368)

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ делегацияси маҳалла тажрибасига юксак баҳо берди



Самарқанд шаҳридаги “Кониғил” маҳалласида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда БМТ Бош котиби ўринбосари — Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диена Кейта иштирокида самимий ва мазмунли учрашув бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг UNFPA билан ҳамкорлиги мутлақо янги босқичга кўтарилди. Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, аҳоли фаровонлиги ва демографик барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўналишларида қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Жамғарма мамлакатимиз тарихидаги илк аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этди.

Мулоқот чоғида меҳмонлар “маҳалла еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларига ечим топиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд қатламларни манзилли қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот олди. Айниқса, маҳалла тизимининг инсон қадрини улуғлаш, аҳоли дардини эшитиш ва муаммоларни жойида ҳал этишдаги ўрни юқори баҳоланди.

Учрашув давомида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ доирасида юқори даражадаги қатор тадбирларни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Шубҳасиз, мазкур учрашув халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳалла тизимининг ижтимоий институт сифатидаги нуфузини янада ошириш ҳамда инсон манфатларини таъминлашга қаратилган эзгу савий-ҳаракатларга янги суръат бағишлайди.

ҲАФТАЛИК

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ — МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАЙДИГАН ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда 2026 йил 16 майдан бошлаб, 10 кун давомида барча маҳаллаларда “Аждодларимиз, ота-оналаримиз, ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳафталиги” ўтказилади.



Хар бир миллатнинг маънавий қиёфаси, аввало, унинг аждодлар хотирасига бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўтганларни қадрлаган халқнинг келажаги ҳам мустаҳкам бўлади. Чунки инсон ўз илджини унутмас экан, ўзлигини ҳам йўқотмайди.

Ўзбек халқида қабристон азалдан муқаддас қадамж, хотира ва ибрат маскани сифатида қадрланиб келган. Шу боис халқимиз “Бозоринг билан мазорингни обод тут”, деган ҳикматни ҳаёт мезони даражасига кўтарган. Бу мақол замирида чуқур фалсафа мужассам: бозор — тириклар ҳаёти, меҳнати ва ризки рамзи бўлса, мазор — инсоннинг илджизи, аждодлар хотираси ва маънавий масъулияти тимсолидир.

Қабристонларни озода сақлаш, уларни обод қилиш халқимиз наздида шунчаки ҳашар ёки ташки тартиб масаласи эмас. Бу — ўтганларга эҳтиром, тирикларга ибрат, ёш авлодга тарбиядир. Чунки инсон қабристонга кирганда ҳаётнинг ўткинчилигини, умрнинг қадрини, яхшилик ва савобнинг абадийлигини теранроқ ҳис қилади.

Давоми 4-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



Намунали маҳалла... У бир кунда пайдо бўлмайди. У қоғоздаги ҳисобот ёки чиройли шиор билан ҳам шаклланмайди. Бунинг ортида тинимсиз меҳнат, одамларнинг ишончини қозониш, уларни бир мақсад атрофида бирлаштириш ва энг муҳими — амалий натижа туради. Биз ҳам маҳалламизда айнан шу йўлни танладик.

ОДАМЛАРНИ УЙЎТИШ —
ЭНГ ҚИЙИН, АММО ЭНГ
МУҲИМ ВАЗИФА

Аввало, бир ҳақиқатни тан олиш керак: ҳар қандай ислохот инсон онги ўзгармас экан, натижа бермайди. Одамларда “мендан нима фойда?”, “бу ҳам вақтинчалик”, деган кайфият бўлса, ҳеч қандай дастур ишламайди.

Шунинг учун ишни одамларнинг ишончини тиклашдан бошладик. “Хонадонбай” юриб, ҳар бир оиланинг муаммосини ўргандик. Фақат йиғилиш ўтказиб, чақирёқ билан чекланмадик. Амалий мисол кўрсатдик. Ишли бўлган инсоннинг ҳаёти қандай ўзгараётганини, томорқадан даромад қилаётган оиланинг турмуши қандай яхшиланганини бошқа-

ларга намуна сифатида келтирдик. Чунки одамларни қуруқ гап эмас, натижа ишонтиради.

Маҳаллада фаоллар, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни бир жамоага айлантиришга ҳаракат қилдик. Ҳар бир инсон “мен ҳам ўз маҳаллам учун масъулман”, деган тушунчага келиши керак эди. Ана шу ҳис пайдо бўлганидан кейин ўзгариш бошланди.

Давоми 2-саҳифада.



КУЧЛИ ЕТАКЧИ, ОРҚАЛИ
ФАОЛ ЁШЛАР МУҲИТИ
ЯРАТИЛАДИ

5



“ОСМОН ҚИРОЛИ”НИНГ
ЎЗЛИК САРИ ПАРВОЗИ

6



БИРЛИК БОР ЖОЙДА
ҚАДРИЯТЛАР ДОИМ
БАРДАВОМ

7



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Қозоғистонда Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этди.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БМТ Бош котибининг ўринбосари, Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори Диене Кейтани қабул қилди.



Ўзбекистоннинг ИЛК МИЛЛИЙ КОСМОНАВТИНИ 2028 йил октябрга қадар фазога бориш режалаштирилган.

2

Mahalla №40

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

2026 йил 16 МАЙ, ШАНБА

ХАФТАЛИК

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ — МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАЙДИГАН ҚАДРИЯТ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

Қабр зиёрати асрлар давомида халқимизнинг маънавий тарбия тизимида муҳим ўрин тутган. Ота-боболар фарзандларини қабристонга олиб бориб, авлодлар тарихи, аجدодларга ҳурмат, инсон қадри ҳақида насихат қилган. Бу эса ёшларда меҳр-оқибат, камтарлик, шукроналик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирган. Нуронийлар билан бирга қабристонларни тартибга келтириш, зиёратгоҳлар тарихи билан танишиш, улуғ аجدодлар ҳаёти ҳақида суҳбатлар ўтказиш — ёшлар тарбиясида бекиёс аҳамиятга эга.

Қабристон — фақат ўтганлар манзили эмас. У тириклар учун ҳам ҳаёт сабоғини берувчи маънавий мактабдир. Шу маънода мамлакатимизда аждодларимиз, ота-оналаримиз ва умуман ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Буни буюқ муҳаддис бобомиз Имом Бухорий мажмуаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мажмуа мутлақо янги қиёфада қайта бунёд этилди. Натижада у нафақат юртимиз, балки бутун ислом оламининг йирик маънавий марказларидан бирига айланди. Агар авваллари мажмуа бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда 65 минг зиёратчини қабул қилиш имкониятига эга. Фақат охириги бир ой ичида ушбу қутлуг қодамжони 1 миллиондан ортиқ юрдошимиз ва хорижлик меҳмонлар зиёрат қилди.

Бу эътибор, аввало, халқимизнинг маънавий индизларига, муқаддас меросига бўлган юксак ҳурмат ифодасидир.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити арафасида республикадаги 10 мингдан ортиқ қабристонда кенг қўламли ободонлаштириш ишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шу мақсадда 2026 йил 16 майдан бошлаб, 20 кун давомида барча маҳаллаларда “Аждодларимиз, ота-оналаримиз, ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳафталиги” ўтказилади.

Хафталик давомида қабристонлардаги 14 минг гектардан зиёд ҳудудни ободонлаштириш, 15 мингга яқин хонақоҳ ва айвонлари таъмирлаш, 5184 километр қабристон атрофидаги деворларни оқлаш, 9 689 километр ариқ ва зовурларни тозалаш, 3 894 километр ички йўл ва йўлакларни, шунингдек, қабрларни тартибга келтириш, дезинфекция ишларини амалга ошириш, 1,5 миллиондан ортиқ дарахтни парваришлаш каби кенг қамровли ишлар режалаштирилган.

Қабристонларни обод сақлаш, бу — шунчаки ҳудудни тозалаш ёки тартибга келтириш эмас. Бу — миллат хотирасига эҳтиром, аждодлар руҳига садоқат, келажак авлод тарбиясига қаратилган юксак маънавий масъулиятдир. Зеро, инсон ўтганлар хотирасини унутмас экан, ўз қадрини ҳам йўқотмайди. Аждодлар қабрини зиёрат қилиб, уни обод тутиш орқали инсон нафақат савоб иш қилади, балки қалбида меҳр-оқибат, шукроналик ва ҳаёт қадрини англаш туйғусини мустаҳкамлайди.

ТОШКЕНТ Ш.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА —

ФИДОЙИ ИНСОНЛАР МЕҲНАТИ, ИШОНЧИ ВА БИРДАМЛИГИ БИЛАН БАРПО БЎЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шуҳрат БОЛТАБОВЕВ, Юнусобод туманидаги “Регистон” маҳалласи раиси.

БАНДЛИК — БАРЧА МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ КАЛИТИ

Тажриба шуни кўрсатдики, ишсизлик бор жойда ижтимоий муаммолар ҳам кўпайди. Даромади йўқ оилада тушқунлик, жанжал, қарздорлик ва ҳатто ажралиш ҳавфи ортади. Бекор юрган ёш эса турли салбий йўللарга кириб қолиши мумкин.

Камбағаллик ҳақида сўз кетганда, уни фақат моддий етишмовчилик, деб тушуниш хато. У — имкониятсизлик, ишончсизлик ва боқимондалик кайфияти ҳамдир. Шунинг учун камбағал оилалар билан ишлашда фақат ёрдам бериш эмас, уларни оёққа турғизишга ҳаракат қилдик. Муаммони вақтинча енгиллатиш эмас, унинг сабабини бартараф этишга уриндик. Айниқса, хотин-қизларни касбга ўқитиш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали қўллаб оилаларда барқарор даромад шаклланди. Шу орқали маҳаллада бирорта камбағал оила қолмади!

ЖИНОЯТЧИЛИККА — ПРОФИЛАКТИКА, АЖРАЛИШГА — ОИЛАНИ АСРАШ БИЛАН КУРАШДИК!

Жиноят судир бўлгандан кейин эмас, унинг олдини олиш муҳим. Бу борада маҳалладаги муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар маҳаллада бефарқлик кучайса, ёшлар назоратсиз қолса, оилалар муаммоси билан ҳеч қим қизиқмаса, салбий ҳолатлар кўпайиши табиий. Шу боис профилактик ишларга алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, ёшлар билан ишлашни кучайтирдик. Уларни спорт, касб-хунар, тадбиркорлик ва жамоат ишларига жалб этдик. Нуронийлар, профилактика инспекторлари, фаоллар билан ҳамкорликда муаммоларни оилалар ва ҳавф гуруҳидаги ёшлар билан доимий иш олиб борилди.

Оила мустаҳкам бўлса, маҳалла ҳам мустаҳкам бўлади. Ажралишнинг ортида қўп ҳолларда ишсизлик, моддий қийинчилик, сабрсизлик ва ўзаро тушунмовчилик туради. Шу нуқтаи назардан оилалар билан ишлашда фақат муаммо чиққанидан кейин эмас, олдиндан профилактика қилишга эътибор қаратдик. Ёш келин-куёвлар, қайнона-келин муносабатлари, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича нуронийлар, отинийлар ва тажрибали фаоллар иштирокида суҳбатлар ташкил этилди. Энг муҳими, оилада иқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилдик.

Айни саъй-ҳаракатлар натижасида бутун маҳалламиз жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудуд саналади.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

“Бешмарган”да қадрият ҳам, тараққиёт ҳам бор

Шовот туманидаги “Бешмарган” маҳалласига “туризм қишлоғи” мақоми берилгани беҳиз эмас. Эътиборлиси, у Хоразм вилоятида мазкур мақомни олган дастлабки икки қишлоқдан бири ҳисобланади.



Шукржон ЖАББОРОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ап шундаки, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинган, маҳалла раиси Уйғунбек Шарифовда ҳудудни туризм қишлоғига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Чунки кўнра “Бешмарган” заминида ислом оламининг табаррук сиймоси, тасаввуф илмининг буюк намояндаси Ҳожа Юсуф Ҳамадоний мақбараси жойлашган. Шу боис бу ерга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар тез-тез ташриф буюради.

Қолаверса, ҳудуд яқинида қадимий Катқалъа харобалари мавжуд. Афсонавий ҳофиз Комилжон Отаниёзов тугилиб ўсган хонадон ҳам шу маҳаллада жойлашган. Аччиққўлнинг сўлим манзараси эса сайёҳлар эътиборини ўзига тортади. Хуллас, маҳал

ла ҳар жихатдан “туризм қишлоғи” мақомига муносиб эди. Маҳалла раисининг ташаббусини аҳоли ҳам бир овоздан қўллаб-қувватлади. Ҳатто 45 та хонадон эгалари дастлабки бўлиб уй меҳмонхоналарини ташкил этиш истагини билдирди.

“Бешмарган” маҳалласи туризм қишлоғига айлангач, ҳудудда кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланди. Сергайрат маҳалла раиси “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида кетма-кет беш марта гоили бўлишда аҳолини бир мақсад атрофида бирлаштира олди. Натижада маҳалла биноси таъмирланди, 13 та кўчага кўёш панелли тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 7,8 километр ички йўллар асфальтланди, мактаб спорт зали қайта таъмирланди ҳамда мини футбол майдони барпо этилди. Шунингдек, воркаут майдончаси қурилиб, боғча янгиланди. Энг муҳими, аҳолининг ичимлик сув билан боғлиқ муаммосига ечим топилди.

Элни бирлаштиришда ҳаётий тажрибага эга нуронийлар ва фаоллар билан ҳамжиҳатлик катта самара бермоқда. Маҳаллада кексалар учун юртимизнинг тарихий қадамжоларига саёхатлар уюштириш, эл хизматида бўлган инсонларнинг юбилейларини нишонлаш, миллий байрамларни уюшқорлик билан ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу эса одамларни янада яқинлаштириб, қўни-қўшничилик, меҳмондўстлик, ҳурмат-эҳтиром каби қадриятларни ёшлар онига сингдирмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, илгари Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари хотирасига бағишлаб “Улли Пир сайили” ўтказилар эди. Эл орасида улуғ авлиёга нисбатан “Улли Пир” деб эҳтиром кўрсатилади. Ушбу сайлларда миллий спорт мусобақалари, фольклор чиқишлари ва халқ томошалари ташкил этилган. Афсуски, бир муддат бу анъана тўхтаб қолган эди. Бироқ ташаббускор маҳалла раиси саъй-ҳаракати билан эндиликда ҳар йили “Улли Пир кубоги” фестивали ўтказиш анъанаси қайта тикланди. Бугун ушбу фестивалга қўшни Қорақалпоғистон, бошқа вилоятлар, ҳатто Туркменистондан ҳам полявонлар ва спортчилар ташриф буюрмоқда.

Умуман, яқин йилларга таърифи фақат вилоят доирасида маъlum бўлган маҳалла бугун “туризм қишлоғи” сифатида тобора кенг танилмоқда. Бу ерга интилаётганлар, қишлоқ ҳаёти, одамларнинг турмуш тарзи, миллий қадриятлари ва бетакрор табиати билан танишишни истовчилар сони йил сайин ортиб бормоқда.

НАТИЖАГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ ОМИЛЛАР НИМА БЎЛДИ?

Эришилган натижаларнинг ортида бир неча муҳим омил бор.

Биринчи — одамлар билан яқин ишлаш. Муаммони идорада ўтириб эмас, хонадонга кириб ўргандик.

Иккинчи — жамоавий иш. Маҳалла раиси ёки бир-икки фаолнинг ўзи ҳеч қачон катта натижа қилолмайди. Фаоллар, нуронийлар, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари, тадбиркорлар — барча бир мақсад атрофида бирлашди.

Учинчи — амалий ёндашув. Қуруқ чақириқ эмас, аниқ натижага ишладиқ.

Тўртинчи — адолат ва ишонч. Одамлар ердам ҳақиқатан муҳтожларга етаётганини кўрганда, маҳаллага бўлган ишонч ҳам ортади.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтманки, маҳаллада, энг аввало, муаммони яширишдан воз кечиш керак. Ҳақиқий ҳолатни тан олмасдан ўзгартиш бўлмайди. Одамлар билан ишлашни фақат йиғилиш ва расмий топириқ даражасида қолдирмаслик лозим. “Хонадонбай” ишлаш тизими кучайтирилиши шарт. Бандликни биринчи ўринга қўйиш керак. Ишсизлик бартараф этилмас экан, камбағаллик ҳам, жиноятчилик ҳам, ажралишлар ҳам қамаймайди. Ҳар бир маҳалла ўз имкониятидан келиб чиқиб ишлаши лозим. Тайёр қилип билан эмас, ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаш натижа беради.

Намунали маҳалла, бу — чиройли кўча ёки баландпарвоз ҳисобот эмас. У — одамларнинг кайфияти, оилаларнинг барқарорлиги, ёшларнинг орзуси ва инсонларнинг эртанги кунга ишончи билан баҳоланади. Қайси маҳаллада аҳоли “бу ер менинг уйим, унинг тақдиринга мен ҳам масъулман”, деган тушунча билан яшаса, уша жойда, албатта, тараққиёт бўлади.



Президент Шавкат Мирзиёев худудларда ИНТЕНСИВ САНОАТЛАШГАН БОҒЛАРНИ КУПАЙТИРИШ чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Йирик инвестиция лойиҳалари эндиликда КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ўтказилади.



Иш ўринлари ва меҳнат шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирганлиги учун СУБСИДИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ.

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №40

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

“Иш ўрни яратаман”, деган талабгорлар кўп

Яқингача маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг асосий даромади деҳқончилик ва чорвачиликдан эди. Замона зайли ўзгарди, ҳозир бу ерда хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар сони ортиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, “тадбиркор бўламан”, деган талабгорлар сони ортиб борапти. Албатта, бунда “еттилик” ходимларининг ҳиссаси бор.



қув машиналари сотиб олди. Шу тарзда фаолияти кенгайди. Оилавий корхонаси иш бошлагач, қўшни аёллар ҳам доимий даромад манбаига эга бўлди. Эътиборлиси, аёл тардбиркорлар кўпайди. Бундан ташқари, Меҳнур қўчасидаги иккита хонадонда касаначилик мактаби яратдик. Ҳар бирида 4 нафар аёл ишли бўлди.

Тажрибамга таяниб, бир хулосага келдим: қачонки, маҳаллада ишсизлик бўлмаса, жиноятлар, оилавий низо-лар ҳам камайд. Уч йилдан бери маҳаллаимиз жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳисобланади.

Бир нарсани унутмаслик лозим, тадбиркор ўз интилиши билан нафақат даромад топади, балки янги иш ўрни яратади. Юзлаб ёшлар кела-жаги учун пойдевор қўйишда ҳам уларнинг ўрни беқийс.

Фармон Холмуродов ана шундай тиниб-тинчимас тадбиркорлардан. Мўъжазгина ховлисида иссиқхона ишини қуритиш баробарида, асаларичилик билан шуғулланади. Хонадонида бир қарич бўш ерни топа олмайсиз. Ҳар хил мева-ли дарахтлар парваришлаб, полиз экинлари етиштиряпти. Унинг натижаларини қўриб, меҳнатнинг таги роҳатлигига амин бўласиз.

“Маҳаллабай” ишлаш жараёнида ҳар бир инсоннинг қизиқиши ва имкониятини ҳисобга оляпмиз. Кимнинг қўлидан нима келишига қараб, ёрдам берапмиз. Бу ёндашув ўнлаб миграциядагиларни оиласи бағрига қайтарди. Улар қўлида гуддек ҳўнари бўла туриб, хорижда мардикорлик қилиб қориш ярашмаслигини тушуниб етди.

Иш жараёнида айрим таклиф ва ташаббуслар уйғонаптики, ихроси таъминланса, фаолиятимиз янада такомиллашади. Мисол учун, ҳудудда мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти жойлашган. Ҳар бир қўча каби бу муассасаларга ҳам қузатув камераси ўрнатилса, тарбияланувчиларнинг хавфсизлиги таъминланар эди.

Одил ПРИМОВ,
Навбахор туманидаги
“Қизилой” маҳалласи
раиси.

Т аъкидлаганимдек,
2 583 нафар аҳоли
яшайдиган ҳудуднинг асосий

“драйвер”и — чорвачилик ва деҳқончилик. Сайхунобод тумани тажрибаси асосида 10 та хонадонга имтиёзли кредит ажратилиб, бир неча йўналишларда аҳоли бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, асаларичилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик

субъектлари ташкил этилди. Ҳозир 24 та тадбиркор бор. Йил бошида 42 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозиргача 30 нафари ишга жойланди. Шу тарзда ишсизлик, камбағаллик ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айландик. Хотин-қизларга эътибор натижасида ишбилармон

аёллар сони ортди. Масалан, Ҳурматой Ботирова узок йиллардан бери тикувчилик билан шуғулланади. Шу ҳўнари ортидан 20 нафардан кўп шоғирд етиштирди. Дастлаб ишни қўл меҳнати билан бошлаган бўлса, кейинчалик маҳалла кўмагида имтиёзли кредит эвазига ти-

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Иссиқхона — оиланинг “юзи”, даромаднинг ўзи экан

Томорқа — ҳазина эканини қафдек ерда турли қўкатлар, мевалар етиштираётган, иссиқхоналар ташкил этиб, фаровон ҳаёт кечираётган омилкор хонадон соҳиблари мисолида қўриш мумкин. Дарҳақиқат, унинг имкониятидан тўғри фойдалана олсак, бугунгидан тўқ, фаровон ҳаёт кечирамиз.



Айни пайтда бодринг ҳосили бозорларга чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Помидорлар пишиш арафасида. Яқин кўнларда уларни ҳам сотувга чиқаради. Бугун у ҳаётидан мамнун, оила тўқ ва фаровон. Келгусида фаолиятини янада кенгайтириш, иссиқхоналар сонини ошириш орқали даромад манбаларини кўпайтиришни мақсад қилган.

Шохрух АБДАМУТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Чортоқ тумани
бош мутахассиси.

Б уни Чортоқ туманидаги “Ласкидон” маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли яхши англайди. Мирзохид Мамажоновнинг хонадонига кирган кишининг қўзи қувнайди. Ховли саранжом-саришта, баҳри дилингиз очилади. Ҳалол меҳнати ортидан фарзандларини улғайтирди. Ота-онаси ёшлигиданоқ меҳнатга ошно қилиб тарбиялагани боис, оилада барака бор. Рўзгор учун картошка, сабзи, пиёз, қарам, ҳатто, сут-қатик ҳам ўзларидан чиқади. Даромад ҳам шунга яраша.

У хонадонида ҳар бири уч сотихдан иборат бўлган иккита иссиқхона ташкил этиб, помидор ва бодрингнинг серҳосил навларини етиштирмоқда. Ҳар бир иссиқхонадан йилга ўртача 25 миллион сўмдан даромад олаётгани эса қўшиларни ҳам ҳаракатга солиб қўйди. Унга ҳавас қилиб, иссиқхона қуриш истагидаги фуқаролар 10 нафарга етди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ТАДБИРКОРЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА СУБСИДИЯ ОЛАДИ?

Алимардон СОЛИЕВ,
Қўрғонтепа тумани:

— **Хусусий тадбиркорман. Корхонамизда 5 нафар ногиронлиги бўлган шахс фаолият олиб боради. Бу вазиятда давлатдан бирор имтиёз ёки бошқа турдаги ёрдам олишим мумкинми?**

Муроджон МУҲАММАДИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Жорий йил Адлия вазирлиги давлат рўйхатидан ўтказган Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва ссудалар ажратиш тартибини белгилловчи идоравий ҳужжатга қўра, сиз каби тадбиркорлар давлатдан субсидия олиши мумкин. Бу жараёнда бандлик бўлими йўлланмаси билан ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатларини қоплаш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини белгиланган энг кам миқдордан ортиқ ишга қабул қилиш, иш ўринлари ва меҳнат шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш



учун ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга маблағ ажратилади.

Шунингдек, 2026 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига халқаро даражада тан олинган касбий таълим сертификатлари ҳамда миллий сертификатлари олиш учун сарфланган харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БХМнинг 20 бараваригача, малакани баҳолаш марказларини ташкил этган тадбиркорлик субъектларига

харид қилинган баҳолаш воситалари харажатларининг 30 фоизи, бироқ БХМнинг 200 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия берилади. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида жиҳозлар, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари ва хомашё харид қилиш, интернет хизматларига улааниш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш учун 3 йилгача, 6 ойлик имтиёзли давр билан БХМнинг 75 бараваригача миқдорда фоизсиз ссуда ажратилади.



Ҳўнарманд Равшан Жалилов бир неча йилдан бери бешикчилик билан шуғулланади. Фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор сифатида бошлаган эди. Маҳалла кўмагида йирик корхона раҳбарига айланди. Дастлаб “Устоз-шоғирд” йўналишида фаолиятини қўллаб-қуватлаш учун субсидия олишига ёрдам бердик. Кейинги босқичда 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилди. Шу тарзда 6 та янги иш ўрни яратди.

Махлиё Холёрова оилавий корхонасини кенгайтириш мақсадида тикув машинаси олиш учун банк кредити ололмасдан анчадан буён овора эди. “Еттилик” аралашуви билан муаммоси ҳал бўлди.



Илҳом Расулов эса узок йиллардан буён иссиқхонада помидор, бўлғор қалампири ва бодринг қўчатларини етиштириб келади. Бугунги кўнда фаолиятини кенгайтириб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида қўчатчилик бўйича кооперация ташкил қилди.

Бунинг учун унга ҳам имтиёзли кредит олишда ёрдамлашдик. Мазкур маблағ эвазига иссиқхона кенгайтирилиб, бўлғор қалампири қўчатлари етиштириляпти. Маҳаллада бўлғор қалампири экиш истагини билдирган хонадонлар талайгина. Энг муҳими, уларни улгуржи сотиш бўйича тумандаги мева-сабзавотни қайта ишловчи корхона билан келишувга эришилган.

Отабек Бобомуродов ҳам маҳалладаги тажрибали тадбиркорлардан. У етти йилдан буён асаларичилик билан шуғулланади. Айни пайтда 65 оила асалариси бор. Утган йили ҳам икки тоннага яқин маҳсулот олди. Имтиёзли кредит эвазига асални қадоқлашни йўлга қўйди.

Хулоса қилиб айтганда, паррандачилик, қўчатчилик, чорвачилик каби йўналишларда жами 40 нафар аҳолининг ўз уйида тадбиркорлигини йўлга қўйиш орқали бандлиги таъминланди.



Шавкат Мирзиёев
Осиё хотин-қизларининг
иккинчи форуми
иштирокчиларига
МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ.



2026 йилда Ўзбекистон
оилаларининг УМУМИЙ
БАХТЛИЛИК ИНДЕКСИ
0,618 баллга етган.
Бу бахтлилик даражаси
“юқори” эканини
кўрсатмоқда.



“МИНГЎРИК —
ЧИЛОНЗОР БУЮМ
БОЗОРИ” метрополитен
линияси бўйича
лойиҳаолди баҳолаш
хужжатлари ишлаб
чиқилади.

4

Mahalla

№40

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ЖИЗЗАХ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Маҳаллада бирдамлик, ғайрат ва интилиш кучли

Тартиб ва
интизом кўплаб
муаммоларга
ечим бўла олади.
Ҳар бир ишни
режа асосида
ташқил этиш,
юзага келиши
мумкин бўлган
камчиликларни
олдиндан ҳал
этиш жуда муҳим.
Биз бу ёндашувни
худудимиздаги
ҳарбийлардан
ўрганганимиз.

Мустафоқул ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бахмал туманидаги
“Ватанпарвар” маҳалласи раиси.

Маҳалламиз 2018 йилда ҳарбий қисм оилаларига қўлайлик яратиш мақсадида ташқил этилган. Аввал улар қўшни маҳалладаги хонадонларда ижара асосида яшаб келишган. Ҳозирда 1 050 нафар аҳоли вакили учун иккита кўп қаватли уй қўрилган. Бундан ташқари, бешта ётоқхона фойдаланишга топширилган.

Худудимиз ёпиқ ҳарбий шаҳарча бўлгани учун ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва ажрашишлардан ҳолимиз. Бош қотирадиган муаммонинг ўзи йўқ. Фақатгина ўз устимизда ишляпмиз, шароитни янада яхшилашга ҳаракат қиляпмиз.



Шу кунга қадар 20 нафар фуқаро ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Хусусан, Севара Мамаюсупова уч йилдан буён ҳарбий кийимлар тикиш билан шуғулланади. У ишни маҳалла тавсияси билан берилган 50 миллион сўм кредит билан бошлаган. Ҳозирда ўзи учун ажратиб берилган бинада қўли-қўлига тегмай меҳнат қиляпти. 3 нафар хотин-қиз ҳунар ўрганиш асносида унга ёрдамлашяпти.

Розия Бафоева эса 33 миллион сўм кредит эвазига маҳалламизда савдо шохобчасини ташқил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган дўкон аҳоли учун янада қўлайлик яратиб берди. Қолаверса, қўшимча иккита иш ўрни очилди.

Кўриб турганингиздек, маҳалламизда ташаббускор ва ғайратли хотин-қизлар жуда кўп. Улар ҳар дақиқасини ганимат билиб, орзу-мақсадлари сари дадил одимляпти. Шу каби доимий меҳнат билан банд бўлган аёлларга қўлайлик яратиш мақсадида маҳалламизда давлат шерикчилик асосида 250 ўринли боғча ташқил этганимиз. Мактаб ўқувчилари эса махсус автобустларда қўшни маҳаллага катнаб ўқишади.

“Еттилик” ходимлари доимий изланишдамиз. Гарчи жиддий муаммоларимиз бўлмаса-да, худудни янада ривожлантириш учун янгидан-янги ташаббуслар устида ишляпмиз. Масалан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида ёрдамчи хўжалигимиз майдонига 7 500 туп олма кўчати экилди. Бундан ташқари, кўп қаватли уй ва ётоқхона атрофига 1 500 донна манзарали дарахтлар ўтказилди. Ерга қадалган ниҳолларни алоҳида эътибор билан парваришляпмиз. Шу орқали юртимиз ободлиги учун муносиб ҳисса қўшяпмиз.



ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Ҳар бир аёлда аниқ мақсад-муддао бор, асло иккиланиш йўқ”

Илгари аёллар билан суҳбатлашганимда, кўпчилигининг ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий ва психологик билими камлиги яққол кўзга ташланар эди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли йилдан-йилга мана шу муаммолар бартараф бўлиб борапти.

НОЗИК ЖУССАДАГИ
НОДИР ФАЗИЛАТ

Ҳунар, бу — аввало, тўқис ҳаётга нажот

Зомин туманининг Фафур Фулом номидаги маҳалласида ихчамгина тикув цехи бор. У ерга эшик қоқиб кириб борар эканмиз, хушрўй бир аёл ним табассум билан бизни қарши олди.



Абдужалол ҚАЙУМОВ,
журналист.

Асли касби тикувчи бўлган Моҳира Йўлдошева бир вақтлар ёрдамга муҳтож аёллар сафида эди. Ҳаёт ташвишлари, рўзгор юки, фарзанд тарбияси... Қишлоқ аёли учун таниш бўлган бу синовлар уни ҳам четлаб ўтмаган. Аммо у қийинчиликларга асло енгилмади. Меҳнат қилишга эринмади.

Игна, ип, машина ва ҳаракат — унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. У тикувчиликни касб эмас, нажот, деб билди. Қатор ўқув курсларида эринмай малакасини оширди.

— Мен бир нарсани яхши тушундим, — дейди Моҳира Йўлдошева. — Аёл киши бировга қарам бўлиб қолмаслиги учун унинг қўлида ҳунари бўлиши шарт. Ҳунар аёлга нафақат даромад, балки қадр беради. Шунинг учун олдimgа иш сўраб келган ҳар бир аёлни “сиз кучлисиз” деб илҳомлантираман.

Моҳира бу гапларни баландпарвозлик учун айтмайди. Бу — унинг ҳаётдан чиқарган ҳулосаси. У ўз ишчиларининг кўнглини кўтариб, уларга умид ва ишонч бера олади.

Ҳақиқатан, мамлакатимизда хотин-қизларни кўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларнинг ҳақиқий қиёфаси Моҳирага ўхшаган тиниб-тинчимас, илгор аёлларимиз тимсолида яққол намоён бўлмоқда.



Дилафрўз
ИРИСҚУЛОВА,
Булунғур туманидаги
“Чўянтёпа” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Хозир қай бир хонадонга кирмай, оила бекасининг қай-сидир йўналиш бўйича даромад манбаи борлигига ғувоҳ бўламан. Маҳалламизда вақтини бекор ўтказаятган бирорта хотин-қиз топилмади. Кимдир чорвачилик, бошқаси қандолатчилик, яна бирови тикувчилик билан банд.



Улар маълум бир соҳада фаолият юритиш асносида ўзлари учун яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитларни ҳам пухта ўрганишга киришган. Идорага ёрдам сўраб келаётганларнинг ҳаммаси мақсад муддаосини аниқ билади. Аввалгидек “менга қандай ёрдам бера оласизлар”, деган иккиланиш йўқ.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Маҳалламиз идораси 2004 йилда ҳашар йўли билан қўрилган. Айни вақтда бино бироз эскирган бўлиб, таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Қолаверса, “еттилик” фаолияти самарадорлигини ошириш учун моддий-техник базани янгилашга эҳтиёж бор. Агар шу каби ташкилий масалалар ўз ечимини топса, натижадорлик янада ортишига ишончим қомил.

ДАРОМАД МАНБАИ

Эрта тонгда Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласи томон йўл олдик. Хонадонлардан бирининг атрофини қуршаган ранго-ранг гуллар эътиборимизни тортди. Бу ерда ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинган, ҳар бир гул ортида эса инсон тақдири, сабр ва меҳнат мужассам.

ГУЛЛАР БИЛАН БАРОБАР УНАЁТГАН ОРЗУЛАР

Нигина ШОЕВА,
журналист.

У хонадон соҳибаси Моҳира Раҳмонова узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. У ёш авлодга илм улашди, ҳаёт сабоқларини берди. Нафақага чиққанидан кейин ҳам бир жойда тинч ўтиришни истамасди. Аксинча, меҳнатдан, ҳаракатдан куч олди.

Бугун у турмуш ўртоғи, фарзандлари ва келинлари билан биргаликда 34 сотих майдонда ташқил этилган иссиқхонада минглаб гул кўчатларини парвариш қилмоқда. Иссиқхонага кирган инсон гўё баҳор бағрига тушгандек бўлади — атиргул, хризантема, манзарали кўчатлар... Ҳар бири гўзаллиги ва таровати билан кўнгилга илиқлик улашади.

— Илгари болаларга таълим берган бўлсам, бугун аёлларга ҳаётда мустақил одимлашни, меҳнат қилишни ўргатяпман, — дейди Моҳира Раҳмонова. — Ёшлигимдан гул экишни яхши кўрардим. У инсонга кайфият беради, қалбини юмшатади. Нафақага чиққанимдан кейин уйда бекор ўтиргим келмади. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим кўмағида сеvimли машғулотим билан шуғулланишни бошладим. Эрта тонгдан томорқада ишлашга, гуллар билан сирлашишга одатланганман. Бундан олам-олам завқ оламан.



Қаҳрамонимиз маҳалла фаоллари билан доимий ҳамкорликда ишлайди. Айниқса, “Аёллар дафтери”да турган хотин-қизлар гулчилик сирларини ўргатиб, меҳнат орқали ўз ҳаётини ўзгартириш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда.

Маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Шаҳло Йўлдошеванинг таъкидлашича, Моҳира Раҳмонованинг ташаббуси орқали 18 нафар аёл доимий, 50 нафарга яқин хотин-қиз эса мавсумий иш билан таъминланган. Шундай инсонлар бор экан, маҳаллаларимизда файз, хонадонларда барака, юртда эса гўзаллик бардавом бўлади.



Ўзбекистонда сафарбарлик даврида чақирилган фуқаролар КРЕДИТ ТЎЛОВЛАРИ КЕЧИКТИРИЛАДИ.



Ўзбекистонда ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ давлат даражасида назоратга олинади.



Ўзбекистондаги курорт ва экотуризм ҳудудларида ПЛАСТИК МАҲСУЛОТЛАР тақиқланади.

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №40

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



НАВОЙЙ

ЖАРАЁН

Кучли етакчи орқали фаол ёшлар муҳити яратилади

Бўстонлик туманининг хушманзара табиат қўйнида жойлашган Ёшлар оромгоҳи бир неча кун давомида чинакам ғоялар генераторига айланди. Бу ерда ташкил этилган “YetaKchi Camp” ўқув-оромгоҳи республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 100 нафар энг фаол ёшлар етакчиларини бир мақсад йўлида бирлаштирди. Бу шунчаки дам олиш маскани эмас, балки Янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлайдиган кадрлар тайёрловчи ўзига хос “маҳорат мактаби”га айланди.



Мадина АМРЕЕВА, Ўзбекистон ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш маркази директори.

Мазкур оромгоҳни ташкил этишдан асосий мақсад — ёшлар етакчиларининг билим ва тажрибасини ошириш, уларни замонавий фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли лидер сифатида шакллантиришдан иборат. Оромгоҳнинг асосий ғояси — “кучли етакчи орқали кучли маҳалла ва фаол ёшлар муҳитини яратиш”дир. Бу ерда иштирокчилар лидерлик, жамоа билан ишлаш, муаммоларга ечим топиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш каби кўникмаларни ўрганиш билан бирга, ўз ҳудудида қандай ўзгариш қилиш мумкинлиги ҳақида ҳам фикр алмашиди.

Аслида, Янги Ўзбекистон ёшлар етакчиси: у ким ва қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

Бугун биз қўраётган жамиятда ёшлар етакчиси тушунчаси тубдан ўзгарди. Илгари бу лавозим фақат ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан чекланган бўлса, бугун етакчи — ислохотларнинг энг қўйи бўғиндаги асосий ижрочиси, халқ ва давлат ўртасидаги олтин кўприқдир. Ўқувлар давомида ўтказилган тренингларнинг асосий мазмуни ҳам айнан мана шу замонавий лидер қиёфасини яратишга қаратилди.

Хўш, бугунги кун етакчиси қандай бўлиши керак? Биринчидан, у — ташаббускор стратег. Замонавий етакчи муаммони кутиб ўтирмайди, балки уни олдиндан қўра билди ва бартараф этиш учун аниқ режа (“road map”)га эга бўлади. Оромгоҳда ўтказилган “Стратегик бошқарув” дарсларида ёшлар ресурсларни тўғри тақсимлаш ва узоқ муддатли мақсадлар сари боришни ўргандилар.

Иккинчидан, у — креатив муаммолар ечувчиси (“Problem solver”). Эски услубдаги бюрократия ва “бўлмайдми” деган қарашлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Етакчи ҳар бир ёшнинг муаммосига индивидуал ёндашиши, маҳалла “драйвер”ларидан келиб чиқиб, ишсиз ёшларга йўналиш бера олиши лозим. Оромгоҳдаги “keys-study” (амалий вазиятлар) машғулотлари айнан мураккаб вазиятларда ноодатий ва самарали қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантирди.

Учинчидан, кучли коммуникатор ва жамоа сардори. Лидер — ортидан одамларни эргаштира оладиган шахс. Бунинг учун у нотикилик санъати, психология ва жамоада ишлаш (“Teambuilding”) сирларини мукамал билиши керак. “YetaKchi Camp”да мулоқот маданияти ва жамоавий руҳни юксалтириш бўйича ўтказилган тренинглар иштирокчиларга ўз маҳалласидаги ёшларни ягона мақсад атрофида қандай бирлаштириш бўйича амалий дарс бўлди.



Тўртинчидан, юқори даражадаги рақамли саводхонлик ва замон билан ҳамнафаслик. Бугунги етакчи ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқлар ва турли электрон платформалар билан ишлашда профессионал бўлиши шарт. Оромгоҳда ёшлар етакчилари рақамли имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш самарадорлигини ошириш бўйича ҳам ўзаро тажриба алмашишди.

Дастур шундай тузилди, ҳар бир назарий билим дарҳол амалиёт билан мустаҳкамланди. Семинар-тренинглар давомида ишти-

рокчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, ўз ҳудудлари учун инновацион лойиҳалар ишлаб чиқдилар. Спорт мусобақалари — футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат баҳслари эса нафақат жисмоний чиниқиш, балки соғлом рақобат ва ўзаро ишончни шакллантиришга хизмат қилди. Мотивацион учрашувларда эса соҳа экспертлари ёшларга “Лидерлик — бу имтиёз эмас, бу масъулиятдир” деган асосий ғояни сингдиришди.

Оромгоҳнинг кульминацион нуқтаси Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев билан ташкил

этилган очиқ мулоқот бўлди. Бу учрашув қатъий расмий қўлиплардан холи, самимий ва танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Ёшлар етакчилари ўз фаолиятларидаги тўсиқлар, маҳаллалардаги ҳақиқий аҳвол ва ёшларни қийнаётган масалалар бўйича очиқ-ойдин гапиришди. Директор ҳар бир таклифни тинглаб, уларни амалиётга татбиқ этиш тизимларини тушунтирди. Етакчилар илгари сўрган ўнлаб янги ташаббуслар қўллаб-қувватланадиган бўлди. Бу мулоқот етакчиларда ўз ишига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

ТАҲЛИЛ

БИР ТОМ ОСТИДА ИККИ ФЕЪЛ: оилани бузаётган кўринмас муаммо



Бугун ажралишлар қўпаяётгани ҳақида гап кетганда, кўпчилик сабабни фақат келин-куёвнинг чиқиша олмаганидан излайди. Аслида эса муаммо анча чуқурроқ. Гап оиланинг бузилганида эмас, балки оилага қандай кириб бораётганимизда ҳам. Чунки кўп ёшлар турмуш қуришга тайёр бўлмай туриб оила қўрапти — бир-бирининг феълини, руҳиятини, ҳаётга қарабини билмайди.

Гулмира ТОШНИЁЗОВА.

у ерда бир ҳақиқат бор: ажралиш бирдан пайдо бўлиб қолмайди. У кичик

тушунмовчиликлардан, бир-бирини эшитмасликдан, феълни қўтара олмакликдан бошланади. Бизда эса кўпинча тўйга тайёргарлик кучли бўлади, лекин оилавий ҳаётга тайёргарлик суст қолади. Ёшлар сарпо, тўйхона,

машина ҳақида ўйлайди, лекин “бир-биримиз билан оғир пайтда қандай гаплашамиз?”, “жаҳлимиз чиққанда ўзимизни тутоламизми?” деган саволлар кўпинча четда қолади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Баъзан бир ёшнинг юриштириши ўзгариб қолади, феъли айниқди, нотўғри даврага қўшилиб кетади. Шунда одам ўйлаб қолади: бунга нима сабаб бўлди? Кўп ҳолларда жавоб оддий — бекорчилик. Шу боис бола-си келажагини ўйлаган ота-она фарзандини қаровсиз қолдирмайди. Бола ё мактабда ўқийди, ё университетда таҳсил олади, бўлмаса бирор хўнара ўрганади. Муҳими, у ўз устида ишлайди. Чунки бўш қолган ёшнинг ҳаёлига ҳар хил нотўғри фикр келади. Жамиятдаги айрим жиноятлару беъмани ишларга ҳам кўпинча мақсадсиз, бекор юрганлар аралшиб қолади.



Шу боис ёшларни никоҳдан олдин психологик кўрикдан ўтказиш керак. Бу айримларга галати туюлиши мумкин, лекин аслида бунда мантик бор. Масалан, тез жакли чиқадиған, тортишувга мойил икки инсон бир оила курса, келажақда низолар кўпайиши эҳтимоли юқори бўлади. Психологлар эса бундай жиҳатларни олдиндан аниқлаб, ёшларга тушунтириш ва тавсия бериши мумкин. Яъни, “сизларнинг характерингиз ўхшаш, иккалангиз ҳам ҳиссиётга тез бериласиз, шу сабаб айрим масалаларда келишмовчилик чиқиши мумкин”, деган каби огоҳлантиришлар ёшларни оилавий ҳаётга онглироқ тайёрлайди. Шунингдек, ҳозирги оилага тайёргарлик курслари етарли самара бермаяпти. Дарҳақиқат, кўпчилик бу курсларни шунчаки мажбурий жараён, деб билади. Чунки у ерда ҳаётини гап кам, қўруқ насихат кўп. Аслида эса ёшлар билан оддий, самимий тилда гаплашиш керак: оилада хўрмат нима, жаклда айтилган гап қандай жароҳат қолдиради, фарзанд олдидаги масъулият нима — мана шуларни тушунтириш муҳим.

Энг ачинарлиси, ажралиш пайтида кўп ота-оналар “мен ҳақман”, деган даъво билан яшайди, лекин болаинг руҳий ҳолати ҳақида ўйламайди. Ваҳоланки, оиладаги энг катта синовни айнан фарзанд бошидан ўтказида. Ота-она бир кун ярашиши ёки алоҳида яшаб кетиши мумкин, лекин болаинг қалбида қолган қўрқув ва етишмовчилик ҳисси йиллар давомида сақланиб қолади.

Шунинг учун ажралишларга қарши қўраш фақат суд орқали ҳал бўлмайди. Одамларни оилага тайёрлаш керак. Ёшлар бир-бирини тушуниши, гаплашиши, сабр қилиши ўрганиши керак. Чунки мустаҳкам оила фақат севги билан эмас, тарбия, сабр ва масъулият билан қўрилади.



Ўқитувчиларнинг фарзандлари учун ШАРТНОМА ПУЛИНИНГ 30 ФОИЗИ қоплаб берилиши мумкин.



Президент ташаббуси билан 100 нафар ўзбекистонлик ҲАЖ САФАРИГА БЕПУЛ ЮБОРИЛАДИ.



БААнинг “Unison Capital Investment” компанияси Ўзбекистонда 100 ТА ТЎЛИҚ ЦИКЛЛИ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗЛАРИ ташкил этади.

6

Mahalla

№40

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ...

Ҳар сафар тайёра ердан кўтарилар экан, туйғулар яна бир бор тафтишдан ўтади. Осмон — шунчаки йўл эмас, у ғирода ва ўзликини англаш майдони. Бунни, айниқса, учувчилар яхши билади.

“ОСМОН ҚИРОЛИ”НИНГ ЎЗЛИК САРИ ПАРВОЗИ

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Кунни кеча Миллий кино санъати сарҳадида премьераси бўлиб ўтган “Осмони фалакларда: Осмон қироли” фильми айни мавзунини кўтариб чиққани билан томошабинлар эътиборини тортди. Воқеалар юртимиз тарихининг энг мураккаб даврларидан бири — мустақиллик арафасида кечади. Ўзувчи Хайридин Султон сценарийси асосида кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов тасвирга олган ижод намунаси кишини чуқур мушоадага чорлайди.

Сюжет марказида сирли феъл-атворга эга учувчи Шамшетов ва унинг шоғирди Бадалов туради. Улар ўртасидаги “Устоз-шоғирд” аённа-сига асосланган муносабатдан кўриш мумкинки, ҳар қандай соҳада инсон ўз йўлини топиши учун ҳаётнинг паст-баландини кўрганларнинг кўмаги-га муҳтож бўлади. Кўрсатилган тўғри йўл, берилган мустақкам сабоқ тўсиқларни енгиб ўтишда қалқон вази-фасини ўтайди.

Асарда илгари сурилган яна бир ғоя — ҳалоллик ҳамда касбга садоқат. Бадалов устозидан айни шу жиҳатларни кунт билан ўрганади. Ҳам учувчилик, ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан берилган билимлар йиғитга ўз йўлини топиб олишда дастур вази-фасини ўтайди.

Шамшетовнинг атрофида лавозим ва мансаб ортидан югурадиган кишилар жуда кўп бўлади. Улардан бири Эшбеков билан иккиси яқин дўст эди. Лекин умр чорраҳа-ларида йўллар айро тушади. Фидойилик ва лаганбардорлик ўртасидаги танлов сабаб муносабатлар узилади. Гарчи Эшбеков танлаган йўлини тўғри деб билса-да, Шамше-тов уни юрагига яқин олиб, бундан қаттиқ оғриқ туяди. Ҳақиқий учувчининг увол бўл-ган иқтидорига ачинади. Унинг кечинмаларидан англаш мумкинки, дўстлик фақат-гина юзаси мулозаматлар билан чекланиб қолмаслиги, аксинча, қалб ришталарини боғловчи туйғуга айланиши керак.



Фильмда тасвирланган манзаралар томошабинни бир муддат тарихий дамларга етаклайди. Ижодкорлар ўша давр муҳитини маҳорат билан кўрсатиб берган. Бу қай-сидир маънода бизга ўзаро солиштириш имконини ҳам тақдим этади. Бугунги бунёд-корлик, ўзгарш ва ислохотларни янада тيرانроқ ҳис қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, “Осмон қироли” учувчилар ҳаёт тарзини ўзига хос ён-дашув асосида кўрсатиб берган. Улар фалак бағрига кўтарилар экан, ҳар сафар умрини таҳликага қўяётганини ич-ичидан ҳис қилади. Шу боис хатолари, йўл қўйган камчиликлари учун ўзини ўзи сўроқлайди. Шамшетов каби касб фидойилари эса ви-ждон поклиги, қалб хотиржамлиги учун доим тўғри йўлни танлайди.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Иш берганга субсидия тайёр

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва ссудалар ажратиш тартибини белгилловчи янги идоравий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказди. Унда ногиронли-ги бўлган шахслар ҳамда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли бандлигини қўллаб-қувват-лашга қаратилган бир қатор янги молиявий тизимлар назарда тутилган.

Хамроз БАЁНОВ, журналист.

Янги тартибга кўра, иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир нечта йўналишда субсидия ажра-тилади. Жумладан, бандлик бўлими йўлланмаси билан ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ха-ражатларини қоплаш учун ҳар бир ходимга 6 ой давомида ҳар ой базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 4 баравари миқдориде субсидия берилади.

Шунингдек, аҳолининг ижти-моий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб фуқароларни белгиланган энг кам меъёрдан ортиқ ишга қа-бул қилган иш берувчиларни ҳам давлат қўллаб-қувватлайди. Бун-дай ҳолларда ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ой базавий ҳи-соблаш миқдорининг 2 баравари миқдориде субсидия ажратилади.

Ногиронлиги бўлган шахс-ларни иш билан таъминлаш учун иш жойларини мослаштир-ган иш берувчиларга эса ҳар бир мослаштирилган иш ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача субсидия бери-лиши белгиланди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қи-лингган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчилар ҳам раф-



батлантирилади. Агар ушбу шахс 3 ойдан ор-тиқ муддат давомида меҳнат фаолиятини олиб борса, иш берувчига бир марталик базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориде субсидия тўланади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

БУГУНГИ ПАРВАРИШ — ЭРТАНГИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА МУСТАҲКАМ ОДИМ



Ногиронлиги бўлган болани вояга етказиш ота-онадан катта сабр-тоқат, меҳр ва доимий эъти-бор талаб этади. Бундай оила-ларда кўпинча парваршиш би-лан банд киши касбий фаоли-ятини давом этти-риш ёки таълим олиш имкония-тидан воз кечиш-га мажбур бўла-ди. Чунки болага қараш доимий иштирок ва ма-съулиятни талаб этади.

Намуна НОРҚУЛОВА, Мирзаобод туманидаги “Дехқонбод” маҳалласи ижтимоий ходими.

Б у тоифадаги гўдакларда ҳа-ракатланишдаги муаммола-ри сабаб жамиятдан ажра-либ қолиш хавфи мавжуд. Бундай хонадон вакилла-рини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш бугунги кун-да алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаимизда ана шундай ээгү мақ-садга қаратилган “Кундузги парваршиш хизмати” йўлга қўйилди. Айни вақтда ушбу марказда 3 ёшдан 18 ёшгача бўл-ган ногиронлиги бўлган болаларга пар-варшиш хизматлари кўрсатилмоқда.

— Набирамни ҳар кун эрталаб марказ ходимлари махсус транс-портда олиб кетишади, — дейди Холида опа. — У ерда бир-бирдан қизиқарли машғулотларга қатнашади, овқатланади, дам олади. Кечқурун яна уйга олиб келишади. Энг муҳими, боламнинг ривожла-нишига эътибор берилаётгани қалбимга хотиржамлик бағишлайди.

ЛОЙИҲА

Парламент қўйи палатаси мажлисида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-миллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА, журналист.

У нга кўра, Солиқ кодек-сига имконияти чеклан-ган шахсларни иш билан таъминлашни рағбатлантирувчи қатор имти-ёзлар киритилмоқда. Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган кишиларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб бел-гиланмоқда. Ногиронлиги бўл-ган ходимларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ айрим харажатлар (озик-овқат, кийим-кечак, гиги-ена воситалари харажатлари) фойда солиғидан чегириб ташла-надиган харажатлар рўйхати-га киритилади. Шунингдек, ноги-ронлиги бўлган шахслар меҳнат қилаётган корхоналар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича қўшим-ча энгилликлар бериш таклиф қилинмоқда.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ИЖТИМОЙ КЎМАККА ДАСТАК

“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида фаолият юритаётган тадбиркорларни 2030 йилгача ижтимоий солиқдан ташқари бар-ча турдаги солиқлардан озод қилиш назар-да тутилмоқда. Ушбу хизматлардан фойда-ланган жисмоний шахсларга бу хизмат учун тўланган маблағнинг 3 миллионгача бўлган қисми даромад солиғидан озод қилинади.



Хужжатга мувофиқ, 2026 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январгача қўшимча субсидия-лар ҳам жорий этилади. Хусусан, ўқитув-чилар ва ишлаб чиқариш таълими уста-ларига халқаро даражада тан олинган касбий таълим сертификатлари ҳамда миллий сертификатларни олиш учун сарф-ланган харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, малакани баҳолаш марказларини ташкил этган тад-биркорлик субъектларига харид қилинган баҳолаш воситалари харажатларининг 30 фоизи, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошмаган миқ-дорда субсидия ажратилади.

Янги тартибда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувват-лаш бўйича алоҳида тизим ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, уларнинг бандлигини таъминлаш мақса-дида жиҳозлар, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари ва хомашё ха-

рид қилиш, интернет хизматлари-га улааниш, шунингдек, тадбиркор-лик фаолиятини бошлаш ёки кен-гайтириш учун 3 йилгача муддат-га, 6 ойлик имтиёзли давр билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача фоизсиз ссуда ажратилади.

Яратиб берилаётган бу им-кониятлар тадбиркорлар учун қулайликлар туғдириш билан бир қаторда ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжманд аҳоли вакил-ларига ҳам ўз салоҳиятини намо-ён этишга туртки бўлиши аниқ.



СИРДАРЁ

Кундузги парваршиш хизматида болалар ота-она ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ўртаси-да тузилган ижтимоий шартнома, шунингдек, психологик-тиббий-пе-дагогик комиссия ху-лосаси асосида қабул қилинади.



Марказда малакали мутахассислар — логопед, сурдопе-дагог ва дефектологлар фаолияти йўлга қўйилган. Шунинг-дек, даволовчи массаж, жисмоний ривожланиш машқла-ри, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш кўникмаларини шаклланти-ришга қаратилган машғулотлар ҳам ташкил этилган. Бу эса болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига, жами-ятга мослашуви-га ёрдам берапти.

Бу ерда барча шароитлар муҳайё. Уч маҳал иссиқ овқат, дам олиш хоналари, замонавий тренажёрлар, ривожлан-тирувчи машғулотлар қатнашчиларнинг кунни мазмунли ва фойдали ўтказишига имконият берапти.

Маҳаллаимизда бу хизматдан фойдаланаётганлардан бири — Холида опа Салимовадир. У набираси Себзорани мазкур марказга йўналтирган. Бугунги кунда Холида опа кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан жуда мамнун.

Албатта, бундай хизматлар нафақат болаларнинг ривожла-нишига туртки беради, балки ота-оналарга ҳам энгиллик яратади. Энг муҳими, бу каби ташаббуслар ижтимоий ҳимоя тизими тобора мустақкамланиб бораётганининг ёрқин ифодаси ҳам бўла олади.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.





Ўзбекистонда эски ва яроқсиз боғлар учун ЕР-СУВ СОЛИҒИ ОШИРИЛИШИ мумкин.



Ўзбекистонда иссиқхоналарда мазут, битум ва шиналарни ёққанлик учун ЖАРИМАЛАР БЕЛГИЛАНДИ.



Ўзбекистонда йил бошидан бери 4 миллиард кВт.соат “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ.

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №40

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БИРЛИК БОР ЖОЙДА ҚАДРИЯТЛАР ДОИМ БАРДАВОМ



Маҳалламиз ҳудуди 39 гектардан иборат бўлиб, унинг 27 гектари унумдор экин майдонлари ҳисобланади. Шу сабабли халқимиз азалдан деҳқончиликни ўзининг асосий тирикчилик манбаи қилиб келади. Одамларимиз меҳнаткаш, ернинг қадрига етадиган, ҳалол ризқ билан турмушини обод қиладиган инсонлар.

Дилшод БОЗОРОВ,
Норин туманидаги
“Катта Ўлмас” маҳалласи раиси.

Ф уқароларимиз орасида чорвачиликни замонавий ёндашув билан йўлга қўйган инсонлар ҳам бор. Масалан, Икболжон Сатторовнинг зотдор қўйлари нафақат маҳалламизда, балки туманда ҳам яхши танилган. У, асосан, Европа давлатлари ва Қирғизистондан насли қўйлар олиб келади. Энг қувонарлиси, бир неча йил аввал Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазма-танловда чемпион бўлган қўйлари бор. Бундай инсонларнинг ютуғи фақат ўзининг эмас, балки бутун маҳалламизнинг обрўси деб биламан.

Бугунги кунда маҳалламизда 3 017 нафар аҳоли истиқомат қиладди. 2020 йилда маҳалламиз “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, ҳудудимизда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, инфратузилма яхшиланди. Аммо мен маҳалла раиси вазифасига келган илк пайтларда одамлар орасидаги бирдамлик биров сустилигини сездим. Хар ким ўз ташвиши билан яшар, қўшничилик ришталари аввалгидек мустақам эмас эди. Бу ҳолат мени ўйлантирарди. Чунки бирлик бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Маҳалла дегани — аввало, меҳр, бирдамлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш маскани бўлиши керак.

Шу сабабли ишни одамларнинг кўнглига йўл топишдан бошладик. Фаолларни йиғиб, уйма-уй юриб аҳолининг ҳолидан хабар олдик. Байрам кунлари маҳалла марказида дастурхон ёзиб, нурунийларимизни тўрга ўтказдик, ёшлар билан суҳбатлар қилдик. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонига кириб, уларнинг муаммоларини тингладик, имкон қадар ёрдам бердик. Аста-секин одамлар яна эски қадриятларимизга қайта бошладди — бир-биридан хабар оладиган, дардига шерик бўладиган, муаммосини яширмайдиган инсонларга айланишди. Ҳатто кимнингдир уйида муаммо бўлса, ўзлари келиб мени огоҳлантирадиган бўлди.

Маҳалламизда кўмир ва газ масалалари ҳам бир пайтлар долзарб муаммолардан эди. Бу масалаларни туман даражасигача олиб чиқиб, аҳоли учун ечим топишга ҳаракат қилдик. Албатта, бундай ишларда халқнинг ишончи жуда муҳим. Одамлар ўз муаммосига бефарқ бўлмаган раҳбарни кўрса, ишончи ортади. Шу ишонч бизни янада масъулият билан ишлашга ундади.

Тўғри, бугун ҳам айрим норозиликлар, шикоятлар учраб туради.

Хулоса ўрнида шуни айтаман: намунали маҳалланинг “сири”, аслида, жуда оддий. Одамни билиш, муаммони яширмаслик, бандликни таъминлаш, оилага эътибор қаратиш ва жамоани бирлаштириш — ана шу беш тамойил ҳар қандай ҳудудни ўзгартиради. Энг муҳими, “еттилик” идорада эмас, одамлар орасида бўлиши керак. Агар шу ёндашув изчил амалга оширилса, ҳар қандай маҳалла намунали ҳудудга айланиши шубҳасиз.


Лекин олдингидек эмас. Энг муҳими, муаммони вақтида эшитиб, одам билан юзма-юз гаплашиш керак. Биз шундай йўл тутишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳомийлар ёрдамида эҳтиёжманд оилаларга кўмак берамиз. Тадбиркорларимиз ҳайит байрами арафасида эҳсон қилиш, мол сўйиб, халқимизга улашиш ниятида юришибди. Бундай меҳр-оқибат бор жойда барака ҳам бўлади.

Ҳозирги кунда “Ташаббусли бюджет” дастури орқали маҳалламиз кўчаларини асфальтлаш устида ишляпмиз. Кўчалар обод бўлса, одамларнинг кайфияти ҳам ўзгаради. Одамлар бирлашса, энг оддий ҳудуд ҳам гузал масканга айланиши мумкин. Энг катта бойлигимиз эса — мана шу аҳиллик ва ўзаро меҳрдир.

очиқлик

Тўлаган солиғимиз қаерга кетаётганини кўра оламиз

Олдин одамлар орасида “Солиқ тўлай-миз-у, бу пуллар қаерга ишлатилади?”, деган савол кўп бериларди. Ҳозир эса бунга аниқ жавоб бор.



Зоир АШУРОВ.

Э ндиликда “Очиқ бюджет” портали орқали фуқаролар ўзлари тўлаган солиқларнинг қайси соҳа ва йўналишларга сарфланаётганини очиқ кўриш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун порталга OneID орқали киришнинг ўзи kifoya.

Бу тизимнинг энг яхши жиҳати — очиқлик. Одам ўзи тўлаган солиқнинг қаерга кетаётганини билса, давлатга ҳам, тизимга ҳам ишончи ортади. Масалан, яқинда бир фуқаронинг маълумотлари кўриб чиқилганда, у 2025 йил давомида жами 24 миллион 700 минг сўм солиқ тўлагани маълум бўлди. Энг қизиқ томони, ушбу маблағлар 46 та йўналишга тақсимланган экан.

Шундан энг катта қисми — 1 миллион 800 минг сўм маблағ 14 ёшгача фарзанди бор оилаларга бериладиган ойлик нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилган. Яъни бир фуқаронинг тўлаган солиғи бошқа оиланинг эҳтиёжига, боланинг ризқи-га хизмат қилган.

Мана шундай ҳолатларни кўрган одам солиқни оддий мажбурият эмас, жамият олдидаги ҳиссаси сифатида тушуна бошлайди. Чунки бугун тўланган маблағ эртага кимнингдир нафақаси, йўли, мактаби ёки шифохонасига айланади. Энг муҳими, энди буларнинг барчаси очиқ ва шаффоф тарзда халқнинг ўзига кўри-ниб турибди.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Қонунни четлаб ўтиб топилган фойданинг баракаси бўлмайди

Солиқ тизимиди ишлётганимга анча бўлди. Шу вақт давомида бир нарсани кўп кузатдим: одамлар баъзан қонунни бузишни катта хато деб эмас, оддий йўл деб қабул қиладди.

Асқар ХУШВАҚТОВ,
Чироқчи туманидаги
“Халқобод”, “Чилживут”,
“Чироқчи” маҳаллалари
солиқ инспектори.

А йникса, тадбиркорликда айримлар “ишга халал бермаса бўлди”, деган қараш билан ҳаракат қиладди. Аслида эса бугунги замонда ҳар бир савдо, ҳар бир ҳужжат ва ҳар бир ҳисоб-китоб қонун асосида юритилиши керак. Акс ҳолда кичик деб қаралган хато эртага катта муаммога айланади.

Биргина “Чилживут” маҳалласида бугунги кунда 684 нафар ер-мулк солиғи тўловчи фуқаро бор. Ҳудудда 48 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Қувонарлиси, бир пайтлар фаолияти тўхтаб қолган 15 нафар тадбиркорнинг ишини қайта тиклашга эришдик. Чунки одам ишласа, ҳаракат қилса, давлат ҳам, маҳалла ҳам уни қўллаб-қувватлайди. Лекин тадбиркорлик фақат фойда кўриш эмас, масъулиятни ҳам ҳис қилиш дегани.

Яқинда маҳалладаги бир тадбиркор билан боғлиқ ҳолат мени жиддий ўйлантирди. Фуқаро маркировкаланган маҳсулотларни улгуржи тарзда нақд пулга сотган. У эса буни оддий савдо деб ўйлаган. “Пулини олдим, маҳсулотни бердим, бунинг нимаси нотўғри?”, деган тушунча билан иш қилган. Аммо қонунчиликда бу аниқ белгиланган: рақамли маркировкали маҳсулотлар улгуржи савдода фақат нақдсиз шаклда, банк ҳисоб рақамлари орқали сотилиши керак.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Лочин АБДУСАТТОРОВ.
Самарқанд вилояти:

— Маҳалламизда озиқ-овқат дўкони ва майший хизмат кўрсатиш шохобчасини очганман. Хар куни нақд пул тушуми бўлади. Айримлар “банкка тушумни истаган вақтда топширса бўлади”, дейишяпти. Савол шуки, савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар кунлик нақд пул тушумини неча кун ичида банкка топшириши шарт. Пулни топширмаса қандай жавобгарлик бор?

НАҚД ТУШУМ БАНККА ҚАЧОН ТОПШИРИЛАДИ?

Баҳром АҲМЕДОВ,
Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси
бошлиғи ўринбосари:

— “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар учун нақд пул тушумини банкка топшириш буйича қатъий кунлик ёки белгиланган муддат талаби бекор қилинган. Онлайн-НКМ (назорат-касса машинаси) жорий этилган шароитда ҳар бир нақд пул тушуми автоматик равишда фискаллаштирилади ва солиқ ташкилотлари ҳисобга олади.


Шу сабабли тадбиркор банкка тушумни топшириш даврийлигини, яъни кунлик, ҳафталик ёки бошқа тартибини — ўзи мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Нақд пул маблағларини банкка инкассация хизмати орқали ёки мустақил равишда топшириш тартиби ҳам тадбиркорнинг ички фаолияти ва шарт-шароитларига боғлиқ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, жавобгарлик онлайн-НКМдан фойдаланмаслик, фискал чек бермаслик, тушумни яшириш ёки ҳисоб-китоб қоидаларини бузиш ҳолатларида юзага келади. Фақат нақд пул тушумини банкка кечикитириб топширишнинг ўзи солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди ва тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарликка сабаб бўлмайди.

Бу талаб шунчаки қоғоздаги тартиб эмас. Бу — яширин савдо, ноқонуний айланма ва солиқдан қочишнинг олдини олиш учун қўйилган тизим. Маҳсулот қаердан келгани, кимга сотилгани ва қанча ҳажмда реализация қилингани шаффоф бўлиши керак. Афсуски, айрим тадбиркорлар ҳали ҳам эски усул билан ишлашга уринади. Энг ачинарлиси, улар қонунни билмасликни баҳона қиладди. Ҳолбуки, тадбиркор бўлган одам, энг аввало, ўз фаолиятининг қонуний томонини яхши билиши керак.

Мазкур ҳолатда фуқаро нақд пул орқали катта ҳажмдаги савдонини амалга ошириб, жиддий хатога йўл қўйди. Натижада унга нисбатан қонуний чоралар қўрилди. Жарима ҳам бўлди, ҳужжатлар ҳам қайта текширилди. Энди ўйлаб қарасак, бу муаммонинг олдини олиш мумкин эди. Агар фуқаро савдонини банк орқали амалга оширганида, электрон ҳисоб-фактураларни тўғри юритганида, бугун на вақт йўқотарди, на ортиқча харажат қиларди.

Мен кўп ҳолларда тадбиркорларга бир гапни айтаман: “Қонунни четлаб ўтиб топилган фойданинг баракаси бўлмайди.” Чунки ноқонуний йўл билан ишлаш вақтинчалик фойда бериши мумкин, аммо эртага ўша хатонинг жавоби оғир бўлади. Бугунги давр эса тартиб ва шаффофлик даври. Энди эски қараш билан узоққа бориб бўлмайди.




Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Ҳарбий хизматчиларга
БҲМНИНГ
100 БАРАВАРИГАЧА
МИҚДОРДА
моддий ёрдам тўлаш
имконияти
яратилади.



ИИБ Академиясида
кибермакондаги
хавф-хатарларга қарши
самарали курашишга
қаратилган
ЎҚУВ КУРСИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.



Тақиқланган
диний материаллардан
огоҳлантириш ва
хабардор қилиш тизими
— “@DINUZBBOT”
МАҲСУС ЧАТ БОТИ
ишга туширилди.

8

Mahalla №40

2026 йил
16 МАЙ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ, ТАШАББУС

ЖИНОЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ВА МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛСА...

Худудда фуқаронинг пуллари
ўғирлангани ҳақида хабар келди.
Шошилинч қақирув билан воқеа жойига
етиб бордим. Кузатув камералари
ёрдамида жиноят тезкор фош этилди.

Озодбек ОТАЖОНОВ,
Урганч шаҳридаги
“Истиклол” маҳалласи
профилактика инспектори.

Х а, бугун маҳаллаларнинг кузатув каме-
раси билан жиҳозланаётгани, ташвиш
ва “SOS” тугмалари билан таъмин-
лангани ишимизни анча енгиллатди.
Тизимдаги ўзгаришларга кўра, ҳуқуқ-
этилишининг олдини олиш билан курашишга эъти-
бор қаратяпмиз. Ҳар кунлик режа асосида ҳуқуқий,
ижтимоий, маънавий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар
билан алоҳида ишляпмиз, улар ҳақида тўлиқ маъ-
лумотга эгамиз. Ким ижтимоий ҳимояга муҳтож, ким
муҳтож эмас, таҳлил қилиб борапмиз. Мақсад – куну
тун хавфсизликни таъминлаш.

Маҳаллада 3 545 нафар аҳоли истиқомат қила-
ди. Кўп муаммоларга ечим топилган. Ички йўллар ва
пиёдалар йўлақлари, электр энергияси, табиий газ,
ичимлик сув тармоқлари таъмирланган. Маҳаллада
файз бор, ободлик, орасталик ҳукмрон. Хуллас, ҳамма-
си ҳавас қилгудек. Бироқ 2025 йилнинг шу даврида
25 та жиноят содир этилди. Натижада криминоген ва-
зият оғир ҳудудлар қаторига киритилдик.



ХОРАЗМ

Криминоген муҳит-
ни барқарорлаштириш
мақсадида “Чилонзор
тажрибаси” асосида
кенг қамровли профи-
лактик тадбирлар амал-
га ошириляпти. Алоҳи-
да тоифадаги фуқаро-
лар билан манзилли
ишларга жиддий эъти-
бор беряпмиз. Кўчалар-
нинг кириш ва чиқиш
қисмига кузатув ка-
мералари ўрнатилиб,
фуқаролар “Менинг
инспекторим” мобилъ
илувасига уланди. Ку-
вонарли жиҳати, жорий
йилнинг ўтган тўрт ойи-
да атиги битта жиноят
содир этилиб, “сарикъ”
тоифага ўтдик.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Ҳаётда ўткинчи
ҳавасларга берилиб,
нафақат қимматли
вақтини елга
совураётган, балки
келажигини ҳам
барбод қилаётган
айрим ёшларнинг
учраб туриши жуда
афсусланарли. Айниқса,
уларнинг гиёҳвандлик
воситалари ва
психотроп моддалар
истеъмолига ружу
қўйиши боши берк
кўчага киритиб
қўймоқда.

Дилноза ЖУМАНОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Юқори Чирчик тумани
суди судьяси.

М асалан, Ангрен
шаҳрида яшов-
чи Диёр Ғай-
ратов (исм-ша-
рифлар ўзгартirilган) таниши
Зафар Луқмонов билан бирга,
кучли таъсир қилувчи, заҳар-
ли моддаларнинг ноқонуний
айланмаси билан шуғулланиш
ва шу орқали мўмай даромад
топишни режалаштиради.

Аммо уларнинг режасини
ички ишлар ходимлари ол-
диндан аниқлаб, тегишли чора
кўрди. Профилактик тадбир
давомида жиноий қилмиш
фош этилди. Аниқроғи, шу кун
“Файзобод” маҳалласи ҳудуди-
дан ўтган “Бектемир-Ғазалкент”



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Икки ўсмир жиноятга қўл урмасди, агар...



автомобиль йўлининг
ўнг қисмида тўхтаб
турган Д.Ғайратовга
қарашли автомашина
ҳуқуқни муҳофаза қилув-
чи идора ходимларида
шубҳа уйғотади. Холис-
лар иштиракида кўздан
кечирилган пайтда ав-
томашина юқонаси-
да гиёҳванд моддалар
борлиги аниқланди. Бу
воситалар текшириб
қилиш учун ашёвий да-
лил тарикасида оли-
нади. Кейинчалик эса,
Д.Ғайратов ва З.Луқмо-
нов бу воситаларни со-
тиш орқали мўмай даро-
мад орттириш мақсади-
да сақлаб келаяётганига
иқдор бўлди.

Шундан сўнг уларга
нисбатан жиноят иши
кўзгатилади. Юқори Чи-
рчик тумани судида ушбу
қилмишга қонуний
баҳо берилди. Иккала
судланувчига тегишли

муддатга озодликдан
маҳрум қилиш жазоси
тайинланди.

Кези келганда, бош-
қаларга сабоқ бўлиши
учун бир мулоҳаза-
ни билдириб ўтиш-
ни лозим топдик. Бу
оғир жиноий қилмиш-
га қўл урган Д.Ғайра-
тов — 25, З.Луқмонов
эса, 26 ёшда. Иккаласи
ҳам ҳали оила қурма-
ган, бироқ улар катта
ҳаётга эндигина қадам
қўяётган пайтда бундай
аянчли қисматга дучор
бўлиши ҳар қандай ки-
шини уйлантиради. Ай-
ниқса, З.Луқмоновнинг
гиёҳвандликка чалинган-
ни ўта ачинарли ҳол.

Бу ҳақда уйлаган-
да, шундай ҳақли савол
туғилади: ҳўш, уларнинг
ота-онаси, яқинлари
нега аҳвол шу даражага
етгунча фарзандларини
назорат қилишмаган?

Хулоса шуки, ёшларнинг таъ-
лим-тарбиясига масъулият
билан қараш, уларни турли
хил иллатлардан асраб-авай-
лаш — ҳар биримизнинг масъ-
улиятли бурчимиздир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Вақтида ID-карта олинмаса, жарима борми?

Нигина ШАРИПОВА. Чортоқ тумани:

— Биометрик паспортининг мuddати тугаганига икки ҳафта бўлди. Иш қўлгидан ID-картага алмаштириш учун вақт топмаляпман. Айтинчи, мuddат ўтиб кетса, қанча миқдорда жарима тўлашимга тўғри келади?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирилиги Жамоат хавфсизлиги департаменти
ахборот хизмати ходими:

— Тегишли тартибга кўра, фуқаро паспортининг амал қилиш мuddати тугаганда ёки фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва миллати ўзгаргандан сўнг бир ой мuddатда ID-картага алмаштириши лозим. Амал қилиш мuddати ўтган биометрик паспортнинг ўз вақтида ID-картага алмаштирмаслик, яъни фуқаронинг паспортсиз ёки ID-картасиз яшаши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига биноан, паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик БҲМнинг иккидан бир қисми миқдоридда жарима солишга сабаб бўлади.

Биометрик паспортни ID-картага алмаштириш учун фуқаро исталган ички ишлар органлари ёки тегишли Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиши мумкин.



Албатта, бу рақамлар ҳар бир инсонни ташвишлантиради. Чунки майда безориликдан тортиб, кичик ҳуқуқбузарлигу жиноят жамиятимиз учун доғ. Шу боис маҳалланинг кўзи, юзи ва виждони бўлган фаоллар, нуронийлар, кайвонилар бу масалага жиддий эътибор қаратиб, аҳоли билан суҳбатлар ўтказяпти.

Шу ўринда фаолияти-
мизда учраб турган ай-
рим масалаларга эътибор
қаратиб, ечимни бўйича
таклиф билдирмоқчиман.
Худудимиз шаҳар мар-
казида жойлашгани учун
ижтимоий объектлар кўп.
Масалан, 4 та ўрта мах-
сус касб-хўнар мактаби
жойлашган. Ҳар бирида
300 нафардан талаба бор.
Биласиз, таълим олув-
чилар ўтиш даври ёши-
да бўлгани учун жино-
ят содир этиш эҳтимоли
юқори. Мактабларда айни
шу йўналишда ишлай-
диган инспектор-психолог
штати жорий этилган.
Аммо ўрта махсус мактаб-
ларда бундай ходим йўқ.
Шу боис имкониятимиз
чекланган. Агар уларга
ҳам инспектор-психолог
иш бошласа, ёшлар ўрта-
сидаги жиноят ва ҳуқуқбу-
зарликларни қисқарти-
ришга эришар эдик.

Яна бир масала — қо-
нунчиликка кўра, жиноят
каерда содир этилган бўл-
са, иш шу манзилда кўриб
чиқилади. Масалан, олти-
ариклик фуқаро бизнинг
худудда пулини ўғирлатиб
қўйса, гумондор қаерлик
бўлишидан қатъи назар,

ишни кўриб чиқиш про-
филактика инспекторига
юкланади.

Эътирозли жиҳати,
шу қилмиш жиноят эка-
ни тасдиқланса, бизнинг
маҳалла ҳисобига ёзи-
лади. Ваҳоланки, у фуқаро
билан профилактик
ишлар олиб бора олмай-
миз. Натижада жиноят-
лар сони ошиб кетяпти.
Масалан, маҳалламизда
2 нафар жиноят содир эт-
ган фуқаро яшайди, холос.
Рўйхатдагиларнинг кўпи
бошқа худудда истиқомат
қилади. Таклифим, жино-
ятларни ҳисобга қўйиш
ва мурожаатларни кўриб
чиқиш тартибига ўзгарти-
риш киритиш лозим.

Марказдаги аксарият
маҳаллаларда давлат на-
зорат органи ходимлари
турли тадбирлар ўтказя-
ди. Масалан, “Дарё транс”
жамияти мутахассисла-
ри аҳоли ташиш билан
шуғулланувчи транспорт
воситаларининг тегишли
лицензияга эгалигини
текширади. Ёки фуқаро-
лар солиқ, Миллий гвар-
дия ходимларининг шу
қаби вазиятда қонуний
талабига бўйсунмайди.
Бу вазиятда ҳам профи-
лактика инспекторига
мурожаат қилиш белги-
ланган. Ходимлар билди-
ри ёзиб, кетади. Ҳужжат-
ларни тўплаш, дастлабки
суриштирув олиб бориш,
судга чиқариш яна биз-
нинг зиммаимизга тушади.
Таклифим — шундай ни-
золи ҳолатларда ташкилот
вакилларининг ўзи ҳуж-
жатларни расмийлашти-
са, тўғри бўлар эди.



Ушбу сондаги
барча мақолалар матнини
мусаххас
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмасининг
ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 847 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-520

ISSN 2010-7013

